

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA BANK FILIALLARI FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING NAZARIY-HUQUQIIY JIHA TLARI

Ходжакулов Акмал Эркинович

“Пойтахт банк” бошқарув раиси ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18628178>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонида асосан банкларнинг молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш мақсадида: “Банкларнинг ҳудудлардаги иштироки базавий банк хизматлари тўпламини кўрсатувчи ва кўп сонли бошқарув ходимларини талаб қилмайдиган ихчам «банк хизматлари офислари» тармоғини барча ҳудудларда кенгайтирган ҳолда мавжуд филиаллар тармоғини мақбуллаштириш, шунингдек, «мобил банкинг» хизматларини кенг жорий қилиш ҳисобига таъминлаш¹» вазифасининг белгиланиши банкларнинг филиал тармоқларини яратиш орқали ҳудудларда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни қондириш мумкин бўлади. Шу билан бирга банкларда филиаллар тармоғининг кенгайиши келажакда улар фаолиятининг қанчалик даражада самарали ишлаётганини баҳолаш каби долзарб масалани ечишни талаб этади.

Банк филиалларини ташкил этиш, яъни уларнинг рақамли хизматлар кўрсатишдан фарқли жиҳати жисмоний кўринишга эгаллиги ҳисобланади. Банк филиали мижозлар банк хизматларидан фойдаланиш шахсан келадиган моддий кўринишга эга биноти бўлиб, бунда мижозларга уларнинг топшириқларига асосан банк хизматлари кўрсатилади.

Филиал атамаси латинча “filius” “ўғил” маъносини беради ва юридик шахс жойлашган жойдан ташқарида ташкил этилган ва унинг барча функцияларини ёки бир қисмини, шу жумладан вакиллик функцияларини бажарадиган юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

Филиаллар юридик шахс мақомига эга эмас ва уларни ташкил этган юридик шахс томонидан томонидан тасдиқланган қоидалар асосида иш юритади. Филиал раҳбарлари Бош банк томонидан тайинланади ва унинг ишончномаси фаолиятини амалга оширади. Филиаллар тўғрисидаги маълумотлар уларни ташкил этган Бош банкнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади ва тасдиқланадиган низом асосида фаолият юритади.

Банкларнинг филиаллари анъанавий банклар учун мижозларни жалб қилиш ва узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Мижозларнинг банк билан ўзаро муносабатларини яхшилайдиган янги рақамли операциялар билан филиал тажрибаси бирлашган ҳолда янги шаклга кириб келмоқда. Банк филиаллари операциялари ва хизматлар кўрсатиш жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилиши хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “Банклар Ўзбекистон Республикасида филиаллар, банк хизматлари офислари ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиши мумкин. Банк филиали банкнинг юридик шахс

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони. <https://lex.uz/docs/4811025>.

бўлмаган, банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмаси² эканлиги қайд этилган.

Банк филиалининг мақоми муайян функция ва ваколатларга эга бўлган, Бош банк томонидан белгиланган чекланган ваколатлар доирасида юридик шахснинг мавжудлигини назарда тутди. Банк филиали банк томонидан белгиланган ҳудудда банк фаолиятини амалга оширади ва мижозлар олдида ҳам банк олдида ҳам жавобгардир.

Банк филиалларнинг асосий хусусиятлари:

- асосий ташкилотдан алоҳида жойлашган таркибий бўлинма;
- ўз номига ва юридик манзилига эга;
- муайян масалаларни ҳал қилишда муайян мустақилликка эга;
- фаолияти бўйича бош банк олдида жавобгарлиги;
- бош банкнинг ишончномаси асосида фаолият юритади;
- белгиланган ваколатларга мувофиқ бош банкнинг ваколатларини амалга ошириши мумкин;
- филиал бош банкнинг ички тартиб қоидалари ва меърий ҳужжатларига қатъий риоя қилиши;
- филиал молиявий ва солиқ ҳисоботини юритиши ва бош банк бўлимлари назоратига оид талабига мувофиқ тақдим этиши шарт.

Банк филиали ва 24/7 режида ишловчи онлайн каналлар ёки бўлимлар ўртасидаги фарқли жиҳатларни қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Банклар филиали ва онлайн банк фаолиятининг фарқли жиҳатлари³

Мезон	Банк филиали	Онлайн каналлар
Жисмоний мавжудлиги	Мавжуд	Йўқ
Иш вақти	Чекланган	24/7
Тақдим етилаётган хизматлар доираси	Тўлиқ хизматлар тўплами	Чекланган хизматлар доираси
Шахсий ўзаро таъсир даражаси	Шахсий мулоқот	Электрон алоқа
Хизматлар нархи	Қимматроқ	Арзонроқ
Хавфсизлик даражаси	Юқори даражада	Қуйи даражада

Банк филиали банкнинг юридик шахс бўлмаган, банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

² Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни / <https://lex.uz/acts/2681>

³ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида” ги низомда қайд этилганидек, тижорат банклари филиаллари банкнинг кузатув кенгаши қарорига мувофиқ очилади ва тугатилади ҳамда ўз фаолиятини банкка берилган лицензия ва банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган филиал тўғрисидаги низом асосида амалга оширади⁴.

Юқорида қайд этилган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида” ги 3252-сон низомга мувофиқ, банклар мижозларга тезкор хизматлар кўрсатиш ва сотув офисларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси турли ҳудудларида банк хизматлари офисларини ташкил этишлари мумкин. Банк хизматлари офиси банк ёки банк филиали биносидан ташқарида жойлашган банкнинг хизматлар кўрсатувчи таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва банк ёки унинг филиали билан ягона бўлган банк (филиал) баланси ва кодига эга бўлади. Бунда мазкур хизматлар офиси томонидан ўтадиган тўловлар, хизматлар бўйича тасдиқлар банк филиали томонидан тасдиқланади.


Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, банк хизматлари офиси “минибанк”, “чакана хизматлар маркази”, “банк хизматлари маркази”, “комплекс хизматлар кўрсатиш маркази” (АТ “Алоқабанк” мисолида) ва бошқа сўз бирикмалари қўлланилиб турлича номланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг банк хизматлари офиси банк жойлашган бино таркибида ёки банк филиали биносидан ташқарисида жойлашган бўлиши мумкин ҳамда банкнинг таркибий алоҳида бўлинмаси ҳисобланади ва банк ёки унинг филиалига тегишли бўлган ягона банк (филиал) баланси ва кодига эга бўлади. Тижорат банклари банк хизматлари офисини қайси ҳудудда ташкил этса, ўша ҳудудда банкнинг филиали мавжуд бўлиши талаби белгиланмаган. Банклар банк хизматлари офислари нақд пулларни сақлаш учун зарур бўлган пул омборини ташкил этиб ёки пул омборисиз (қимматликларни сақлаш бўйича бошқа банклар билан шартнома тузилган ҳолларда) ташкил этилиши мумкин.

Банклар ҳудудларда очилган филиаллар ва банк хизматлари офислари фаолиятини амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш жараёнини мувофиқлаштириш ва доимий назорат қилиш учун ҳудудий филиалларга ваколатлар бериши мумкин. Масалан, республикамиз Саноатқурилишбанк ва Агробанкнинг ҳудудларда минтақавий филиаллари, АТ “Алоқабанк”нинг ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш марказлари мавжуд бўлиб, улар мазкур ҳудудда жойлашган бошқа филиаллар ва банк хизматлари офислари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Тижорат банкларининг филиаллари ва банк хизматлари офислари тузилмаси мақомини қуйидаги келтирилган расмда кўрсатиб ўтамыз.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатдан ўтказилган, “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида” ги низом. / <https://lex.uz/docs/4909887>



1-расм. Банк филиаллари ва банк хизматлари офислари тузилмаси⁵

Юқоридаги расмдан кўриш мумкин, минтақавий ёки ҳудудий филиал мақоми берилган филиал ушбу ҳудудда очилган фаолият кўлами кичик бўлган филиаллар қва банк хизматлари офислари фаолиятини мувофиқлаштиради. Шунингдек, филиаллар қошида ташкил этилган банк хизматлари офислари туманлардаги тегишли филиаллар томонидан бошқарилади. Минтақавий филиал таркибида ёки ундан бошқа ҳудудда жойлашган банк хизматлари офислари ташкил этилиши мумкин.

Банклар ҳудудларда мижозларга банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида турли шаҳар ва мамлакатларда банк филиаллари очилиши мумкин. Банклар филиалларининг мижозлар учун афзалликлари:

- турли ҳудудларда банк хизматларининг кенгроқ кириб бориши;
- банк ходимларидан шахсий маслаҳат ва ёрдам олиш имконияти;
- қулай географик жойлашувда ҳисобрақам очиш ёки кредит олиш операцияларни амалга ошириш;
- банк хизматлари ва маҳсулотларидан фойдаланиш.

Умуман олганда, банк филиаллари келгусида ҳам мавжуд бўлади ва бунинг асосий сабаби янги мижозларни идентификация қилиш, мавжуд банк хизматларини таклиф қилиш ва мижозлар базасини кенгайтириб боришга замин яратади.

⁵ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

*БХО – банк хизматлари офиси